

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил “18” сентябрь даги
3 -сонли қарорига

7-ИЛОВА

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил “18” сентябрь даги
3 -сон қарори билан

“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, “Ўзбек геология кидирув” акциядорлик жамиятининг (бундан буён - Жамият) Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган кредиторлар, контрагентлар, бошқа ташкилотлар ва шахслар (қуйида матн бўйича – “Мижозлар”)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Мижознинг ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар оқибатидаги зиддиятлар туфайли манфаатлар тўқнашувлари юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва акциядор (акциядорлар) манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда қуйидаги манфаатлар тўқнашувлари юзага келиш ҳолатлари кўриб чиқилади:

- мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кичик миқдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;
- Жамият бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;
- Жамиятнинг бошқарув органлари ва жамоат назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;
- Жамият ва Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган манфаатлар тўқнашувлари.

II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ

4. Низом таъсири Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига ҳамда унинг эгаллаб турган лавозим даражаларидан қатъӣ назар барча ходимларига жорий қилинади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар Жамият билан фуқароликҳуқуқӣ шартномалар асосида ҳамкорлик қилаётган жисмонӣ шахсларга тааллуқли вазифалар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида тасдиқланган ҳолатларда ёхуд бевосита қонунга мувофиқ татбиқ қилинади.

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСІЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

6. Жамиятда манфаатлар тўқнашувларини бошқариш қуйида қайд этилган асосӣ тартиб-қоидаларга асосланади:

- ҳақиқӣ ва потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш мажбурийлиги;

- ҳар бир манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланганда Жамият учун обрўётиборга путур етказиш хавфларини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳамда уларни ҳал қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви ва унинг ҳал қилиниши тўғрисидаги маълумотлар ошқор қилиниши жараёнининг қатъий махфийлиги;
- манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг ходимлари манфаатлари мувозанати (баланси)га риоя қилиш;
- ходим томонидан ўз вақтида ошқор қилинган ва Жамият томонидан ҳал қилинган (бартараф қилинган) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш туфайли шахсни таъкиб қилинишдан ҳимоялаш.

IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ)

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:
- қонунлар, меъёрий (норматив) ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;
 - миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмасликлари;
 - аффилиланган шахслар билан тааллуқли битимлар тузиш учун белгиланган тартибга риоя қилинмасдан йирик битимлар ва шартномалар тузиш;
 - Жамиятнинг бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;
 - амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ ахборот ошқор қилинмаганлиги ёхуд Жамиятнинг бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлардаги бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари тўғрисида, бошқа Жамиятлар ҳиссалари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим қилинмаганлиги.
8. Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансabdор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:
- қонунлар, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;
 - Мижоз манфаатларининг Жамият манфаатлари олдидаги устуворлик тамойили (принципи)га риоя қилмаслик;
 - амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;
 - Мижозлар томонидан ҳам, Жамият томонидан ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги;
 - қонунлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз вазифаларини бажармаганлик.
9. Жамият ва мансabdор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:
- қонунлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талаблари бузилиши;
 - амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик;

- Жамият фаолияти билан боғлиқ ҳам шахсий, ҳам оила аъзолари томонидан тижорат фаолияти юритилиши;
- Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган бошқа Жамиятда молиявий манфаатлар мавжудлиги;
- бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида рахбар, мансабдор шахс сифатида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок қилиш;
- Жамият манфаатларига зарар етказилган ҳолда, шахсий манфаатларни кўзлаб бошқа ташкилотларга амалий имкониятларни тақдим қилиш.

V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

10. Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатлари билан манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш воситалари назарда тутилган.
Мазкур Низом билан манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш бўйича Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиш учун мажбурий чоралар белгиланади.
11. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:
 - қонунлар, меъёрий (норматив) ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;
 - манфаатлар тўқнашувлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этмаслик ва қарорлар қабул қилмаслик;
 - Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;
 - Жамиятнинг ноқонуний фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни қонунийлаштириш (четга чиқариш) ва терроризмни маблағ билан таъминлашга жалб қилиниш имкониятини истисно қилиш;
 - маҳсулотларни ишлаб чиқаришда (ишлар бажаришда, хизматлар кўрсатишда) максимал имконият даражасида самарадорликни таъминлаш;
 - қонунларга мувофиқ йилнинг ҳар чорагида бошқарув органлари олдида ҳисобот бериш;
 - Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
 - қонунлар ва Жамият Устави билан белгиланган микдорлардан юқори суммада йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни кўриб чиқиш учун Қузатув кенгашига тақдим қилиш;
 - йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш шартларини назорат органлари билан ўрганишни амалга ошириш;
 - зарур ҳолларда, қонунлар талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар Қузатув кенгаши томонидан маъқулланганда, мулкнинг бозор қийматини белгилаш учун мустақил баҳолаш ташкилотини жалб қилиш;
 - аффилиланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинишини таъминлаш;
 - қуйидагилар:
 - а) аффилиланган шахслар;
 - б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тартиби ишлаб чиқилишини ва унга риоя қилинишини таъминлаш;

- Жамиятнинг ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда олдиндан маъқулланмасдан йирик битимлар ва афилланган шахслар билан битимларни тузмаслик;
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ ва қўшимча маълумотларнинг Жамият Ахборот си ёсоти тўғрисидаги Низомига мувофиқ ошқор қилинишини амалга ошириш;
- акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва назорат органларига, бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим қилинадиган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш;
- Жамиятда мавжуд ахборотдан бундай ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият тўғрисидаги салбий ахборотнинг тўғрилигини ва ҳолислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Ҳар бир салбий ёки асоссиз ахборот пайдо бўлиш ҳолати бўйича ўз вақтида эътибор қаратиш;
- Жамият томонидан ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда барқарор даромад олинишини таъминлаш;
- Жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;
- Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган ҳақларнинг Жамиятнинг молиявий аҳволига, шунингдек Жамият фаолиятининг олдиндан режалаштирилган кўрсаткичларига асосан эришилган натижаларига мувофиқлигини таъминлаш;
- касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

12. Жамият акциядорлари ўртасидаги, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Жамият акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагилар амалга оширишлари шарт:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, меъёрий (норматив) ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари билан мустаҳкамланган мажоритар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш;
- акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида Жамиятнинг аниқ ва асосланган нуктаи назари акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
- ҳисоблаб ёзилган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;
- белгиланган тартибда акциядорларга низога сабаб бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборот тақдим қилиш;
- ракобатчи Жамиятдан акциялар (ҳиссалар) харид қилишда, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок қилишда Жамият бошқарув органлари аъзолари манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;
- қабул қилина ётган бошқарув қарорларининг объективлигини, ҳолислиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни номзод қилиб кўрсатишга интилиш.

13. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагилар амалга оширишлари шарт:

- белгиланган тартибда Жамият тўғрисидаги ахборот такдим қилинишини таъминлаш;
- махфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига катъий риоя қилинишини таъминлаш;
- махсулотлар (хизматлар)ни реализация қилиш ва Мижоздан шартномада ўзаро келишилган асосда белгиланган микдорда ёки тегишли маълумотлар тўлиқ ошкор қилинган тарифларга мувофиқ ҳақ ундириш;
- ўз Мижозлари учун махсулотлар (хизматлар)ни юқори малакали, пухта ва ҳалол реализация қилиш, шунингдек Мижозлар топшириқларини жорий бозор шартшароитларидан келиб чиқиб молиявий самарадорлик нуктаи назаридан имкон даражада энг яхши тарзда бажариш;
- Мижоз шубҳасиз хато қилганда (шу жумладан, Мижоз томонидан имзоланган буюртманома, ариза ва бошқа ҳужжатда) ходимлар томонидан ушбу вазиятдан шахсий мақсадларда онгли равишда фойдаланишни истисно қилиш. Мижоз топшириқномасида бундай хато мавжуд бўлган тақдирда, Жамият ходими хато топшириқнома бажарилишининг олдини олиш бўйича оқилона чоралар қўриши ва бу тўғрисида Мижозни хабардор қилиши керак;
- Мижозга берилган тавсиялар тегишли масала бўйича мавжуд ахборотнинг виждонан таҳлилига асосланишини таъминлаш;
- Жамиятдаги қоғоз, магнитли ва бошқа турдаги ташувчиларда мавжуд хизматга тегишли ёки тижорат сирини ўз ичига олган ахборот Жамиятнинг бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслари розилигисиз сотиш, бериш, нусха қўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланмаслиги учун Жамият фаолияти жара ёнида яратилган, ўзлаштирилган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

14. Жамият ва мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини бажаришда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагилар амалга оширишлари шарт:

- амалий муносабатлар меъ ёрлари ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;
- белгиланган тартибда шартномалар тузиш;
- Жамият билан рақобатлашувчи ташкилот хиссаси (акциялари)ни харид қилиш мақсади тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;
- низоли вазият юзага келишига шарт-шароит яратувчи ҳолатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;
- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ва Жамият тижорат фаолияти юрита ётган ёки юритишни мўлжаллаган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёзма равишда хабардор қилиш;
- Жамият ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ёки аффилиланган шахс бўлган ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;

- манфаатлари Жамият манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкilotлар бошқарув органларида иштирок қилиш учун Жамият ижроия органи раҳбаридан олдиндан рухсат олиш;
- бошқа ташкilotда ўриндошлик бўйича ишлаш мақсади тўғрисида юқори мансабдор шахсни олдиндан хабардор қилиш ва мўлжалланган иш Жамият манфаатларига зид келмаслигини тасдиқловчи ахборотни тақдим қилиш.

VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИ ХАЛ ҚИЛИШ

15. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини хал қилиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосланган, Жамият манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида судгача тадбирларни амалга оширадилар.

16. Мансабдор шахслар акциядорлар ва Мижозлар томонидан бошқарув ва назорат органлари, корпоратив қотиб номига ва таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган хатлар, аризалар ва талабномалар (шу жумладан, оғзаки) ҳисоб (уч ёт)га олиниши ва ўз вақтида қўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

17. Манфаатлар тўқнашувларини ҳисобга олиш Жамиятнинг корпоратив қотибига юкланади. Жамиятнинг корпоратив қотиби корпоратив низога дастлабки баҳо беради, масала моҳияти бўйича керакли хужжатларни тай ёрлайди ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши билан ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда уларни Жамиятнинг мазкур корпоратив низони қўриб чиқиш ваколатига эга органига топиради.

18. Жамиятнинг корпоратив қотиби акциядорларнинг тез-тез учрайдиган масалалари ва талабларини таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича барча акциядорларга қўшимча ахборот тақдим қилиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилади ёки мазкур турдаги мурожаатларни юзага келтирувчи сабабларни бартараф қилиш мақсадида Жамиятнинг ижроия органи раҳбарига ички тартиблар ва қўрсатмаларни ўзгартириш, бошқа тадбирлар ўтказиш бўйича тақлифлар киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият тўғрисида маълумот олган ходим юқори мансабдор шахсни бу тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

Низони таркибий бўлинма даражасида хал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бўлинма раҳбари бир иш қуни мобайнида бошқарув раисига ёки унинг ўринбосарига низо, унинг юзага келиш сабаблари, қўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт.

Бошқарув раиси ёки унинг ўринбосари низони хал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолларда, манфаатлар тўқнашувини хал қилиш учун комиссия ташкил қилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини хал қилиш учун барча чораларни қўради. Манфаатлар тўқнашувини хал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бошқарув раиси масалани қўриб чиқиш учун бошқарувга киритади, Кузатув кенгаши раисига низо тўғрисидаги маълумотларни юборади.

21. Мазкур маълумотлар Кузатув кенгаши ҳузурида низоли вазиятларни аниқлаш ва хал қилиш учун ташкил қилинган қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан қўриб чиқилади.

22. Ўз ривожланишининг бирор-бир босқичида Жамият бошқарув раиси ёки унинг ўринбосарларига дахл қилган ёки дахл қилиш эҳтимолига эга низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш қуни мобайнида Кузатув кенгашига низони хал қилиш тартиби

тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан келгуси кўриб чиқишлиш ва мазкур масала бўйича ҳулоса тақдим қилиниши учун топширилади.

23. Низони кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келган тақдирда, Кузатув кенгаши ёки ижроия органи тегишли ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки амалдаги ҳужжатларга тааллуқли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини максимал тарзда тез аниқлаш, уларнинг сабабларини белгилаш;
- Жамият бошқарув органлари ваколати ва жавобгарлигини аниқ фарқлаш;
- Жамиятнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки зарур ҳолларда, низони ҳал қилиш бўйича комиссия тузиш;
- максимал қисқа муддатларда Жамиятнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назарини аниқлаш, тааллуқли қарор қабул қилиш ва уни низонинг иккинчи Томони эътиборига етказиш;
- низонинг иккинчи Томонига Жамиятнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назарини тўлиқ ва батафсил жавоб юбориш, шунингдек низо иштирокчиси илтимоси ёки талаби қондирилишини рад қилиш тўғрисидаги хабарномани қонунлар, Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган меъ ёрий (норматив) ҳужжатлар, Устав ва ички тартиб ҳужжатлари асосида ишботлаш;
- низони ҳал қилишда қатнашган ваколатли шахснинг ушбу низо унинг манфаатларига ёки унинг оила аъзолари манфаатларига дахл қила ётганлиги ёки дахл қилиши мумкинлиги тўғрисида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;
- низо манфаатларига дахл қила ётган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал қилишда ва у бўйича қарор қабул қилишда қатнашмаслигини таъминлаш.

25. Акциядорлар ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун:

- Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачи бўлиши мумкин;
- Жамиятнинг ваколатли шахси ёхуд ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда қатнашиши, акциядорларга уларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ва низога тегишли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонунлар меъёрлари, Жамият Устави ва ички ҳужжатларини тушунтириши мумкин;
- Жамиятнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзоланиш учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тай ёрлайди, Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони ҳал қилишга қўмаклашадиган даражада мажбуриятлар қабул қилади;
- Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар бажарилишини ташкил қилиши ва Жамият номидан низо иштирокчиси томонидан имзоланган қелишувлар ижросига қўмаклашиши керак. Низо томони ва Жамият ўртасида уларнинг мажбуриятлари моҳияти бўйича низо бўлмаган, бироқ уларнинг бажарилиш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар юзасидан қелишмовчиликлар юзага келган ҳолатларда,

Жамият низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни тақлиф этиши ва Жамият акциядор талабларини қондиришга тайёр шартларни баён қилиши мумкин;

- агар Жамиятнинг акциядор талабларини қондиришга розилиги ушбу Томоннинг қонунлар, Жамият Устави ёки бошқа ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бирорбир ҳаракатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, Жамият жавобда бундай шартлар тўлиқ тарзда кўрсатиб ўтилади, шунингдек уларнинг бажарилиши учун керакли аҳборот (масалан, акциядор томонидан расмий талаб қилинган ҳужжатлар нусхаларини ёки Жамиятнинг банк реквизиитларини тай ёрлаш учун тўлов миқдори ва х.к.) маълум қилинади.

26. Мазкур чоралар рўйхати мукаммал ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашуви юзага келиш соҳасига қараб, низони ҳал қилишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий қўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур Низомнинг айрим меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартишлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари меъёрларига ва/ ёки Жамият Уставига амал қилиниши керак.